жиҳатлари уларни ўқув луғати тоифасига киритишга тўла асос бўла олади. Мазкур луғатлар узлуксиз таълимнинг қайси бўғини учун мўлжалланганидан келиб чиқиб шу босқич давлат ўқув дастури ва давлат таълим стандартларига мос тузилади ва босқичма-босқич мураккаблашиб боради. Сўзлик миқдори, изоҳлар ва келтирилган иллюстрацияларга кўра биридан тубдан фарқланади. Хусусан, Н.Абдуғаниеваннинг 10 саҳифадан иборат “Уй жиҳозлари номлари” луғати “Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури”да [12] кўзда тутилган тарбияланувчининг коммуникатив ва билиш компетенцияларини ривожлантириш, хусусан, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари соҳаси компетенциялари бўйича “Асбоблар ва анжомлар” мавзусини ўқитиш мақсадида тузилган бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар нутқида тез-тез ишлатиладиган уй-рўзғор буюмлари номларини қамраб олгани билан [13], Д.Ниязохуновнинг “Қувноқ луғат” сериясида нашр этилган 32 саҳифадан иборат “Инглизча-ўзбекча-русча расмли луғат”и ушбу дастурдаги инсоннинг тана аъзолари, ҳайвонлар, мевалар ва сабзавотлар, ўқув қуроллари номларининг уч тил – ўзбек, инглиз, рус тилларидаги таржимасини осон ва қизиқарли тарзда ўргатиш методларига асослангани билан” [9]; шу муаллифнинг бошланғич синф ўқувчилари ҳамда уларни замон билан ҳамнафас, интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш истагида бўлган ота-оналари учун мўлжалланган кўп тилли “Ўзбекча-русча-инглизча-корейсча-туркча-арабча расмли-мавзули луғат”и [10] улар нутқида энг кўп учрайдиган зарурий сўзларни қамраб олгани ва рангли, расмли, безакли бўлгани билан; умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва ихтисослашган, ижод мактаби ўқувчиларига мўлжалланган “Инглизча-ўзбекча-русча ўқув луғат” [11] эса 10 000 сўзлик ва 3500дан ортиқ иллюстратив материални қамраб олгани ҳамда луғат сўнгида географик номлар, нотўғри феъллар рўйхати, ҳажм ва масофа ўлчовини билдирувчи сўзларнинг инглиз, ўзбек, рус тилларидаги қиёсий жадваллари берилгани билан характерланади.

Айни пайтда инглиз ва ўзбек тилларини ўқитишга мўлжалланган икки тилли ўқув луғатларнинг нафақат мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари, балки олий ўқув юрти талабалари, профессионал фойдаланувчилар учун ҳам тузилган мукамал кўринишларини учратиш мумкин. Хусусан, 2013 йилда “Ўқитувчи” нашриётида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда чоп этилган Ш.Бўтаевнинг 880 саҳифадан иборат “Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат”и [14] (ИЎЎИЛ) сўзлик миқдори (80000 сўз ва бирикма), барча туркумларга оид сўзларни қамраб олгани, сўзнинг транскрипцияси ва туркумига оид грамматик, келиб чиқишига доир этимологик, қўлланиш соҳасига оид услубий пометаларнинг берилгани, изоҳларнинг қисқа ва аниқлиги билан характерланади:

blitz [blits] 1. n nem. 1) kutilmagan, nogahon (hujum); 2. v bombardimon qilmoq. (ИЎЎИЛ, 93-б.)

previous [ˈpri:vɪəs] a oldingi, avvalgi, ilgarigi, o'tgan, burungi. (ИЎЎИЛ, 475-б.)

Луғатнинг эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳати – ҳам инглиз, ҳам ўзбек тилини ўрганиш учун мўлжаллангани, аниқроғи, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча икки тилли луғат экани. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жорж А.Крол ушбу луғатга таъриф берар экан, унинг нафақат инглиз тилининг жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши, балки ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш учун ҳам хизмат қилишига алоҳида урғу беради: “Бизга маълумки, инглиз тили „америкача“ тил эмас. Йиллар давомида, таъбир жоиз бўлса, у универсал бир тилга айланди. Бутун дунёда тижорат, дипломатия, технология, транспорт, фан соҳаларида асосий мулоқот воситаси сифатида ундан кенг фойдаланиб келмоқда. Шу маънода, инглиз тилидан хабардорлик ва ушбу луғат Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда ёрдам бера олади. Бошқа томондан қараганда, мазкур луғат универсал инглиз тилининг ўзбекча сўзлашувчилар орасида кенг тарқалишига хизмат қилиши баробарида бой ва гўзал саналмиш ўзбек тилини инглиз тилида сўзлашувчиларга ҳам яқиндан таништиради” [14]. Луғатнинг иккинчи – ўзбекча-инглизча луғат қисми ундан ўзбек тили бўйича ҳам керакли сўзни қидириш имконини беради: avvalgi a previous, former; primary; urushdan ~ pre-war; ~ kun the day before (yesterday). (ИЎЎИЛ, 624-б.)

Луғат микрокурулишидан сўзнинг шунчаки ўзбек ёки инглиз тилидаги таржимаси эмас, қисқача лексикографик талқини (изоҳи, семантизацияси), маънодошлари ҳам жой олади: nihilist [ˈnaɪəlɪst] n nihilism tarafdori, nihilist (har qanday norma, prinsip va qonunlarni inkor etuvchi). (ИЎЎИЛ, 437-б.)

Хусусан, инглизча сўзларнинг ҳозирги инглиз адабий тилида кенг қўлланадиган маънолари атрофлича изоҳланиб, уларнинг нутқий вокеланиши, контекстда қўлланиш ўринларини кўрсатиш учун синтактик валентлиги – бирикувчилари ҳақида ҳам маълумот берилади:

nervous [ˈnɜːvəs] a 1) achchigʻi kelgan, asabiylashgan, asabiy; to be ~ about ...dan asabi buzilmoq (asabiylashmoq); 2) asabga oid; 3) hayajonlangan, toʻlqinlangan, iztirobli. (ИЎЎИЛ, 434-б.)

Луғатнинг шу турдаги бошқа луғатлардан муҳим фарқли жиҳати унда кўп маъноли сўзларнинг кўчма маъноларининг ҳам изоҳланганидир:

electorate [ɪˈlekt(ə)rɪt] n 1) saylovchilar tarkibi, saylovchilar; 2) saylov okrugi. (ИЎЎИЛ, 287-б.)

Мазкур луғат гарчи мутахассислар томонидан “шу кунга қадар тузилган инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғатларнинг энг йириги”, “Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга”, деб эътироф этилаётган бўлса-да, у айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Хусусан, мазкур луғатни ўқув луғатчилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилган Б.Баҳриддинова ҳам уни “инглизча-ўзбекча луғатчилик амалиётида мукамал нашр” [1] деб таърифлайди, аммо истиқлол йилларида ўзбек тилида яратилган икки ёки кўп тилли ўқув луғатлар ҳақидаги фикрларини хулосалар экан, уларнинг ўқув луғатчилигининг инновацион лексикографик талабларига тўла жавоб бермаслиги, аксарияти компилятив характерга эгаллиги (шу тоифадаги бошқа тилда тузилган луғатлардан нусха олиш йўли билан яратилгани), талқинларда миллий руҳ сезилмаслиги, луғат микроструктураси – луғат мақолани шакллантиришда қатъий принципларга амал қилинмаган деган тўхтамга келади [1].

Ҳақиқатан ҳам мазкур луғат шу тоифадаги луғатлардан анча афзалликлари билан ажралиб турса-да, лексикографик семантизация, хусусан, кўп маъноли сўзлар талқинида замонавий ўқув лексикографиясининг инновацион концепцияларига мувофиқ келмайдиган айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Лексикография амалиётида, хоҳ таржима луғати бўлсин, хоҳ изоҳ типидagi луғатлар, бош сўз агар полисемантик характерга эга бўлса, дастлаб унинг бош маъноси – аташ семаси изоҳланиб, кейин араб рақамлари билан муайян изчилликка асосланган кетма-кетликда кўчма маъноси – ифода семалари изоҳланади ва уларга иллюстратив ҳаволалар келтирилади. Таҳлил қилинаётган мазкур луғатда сўзнинг ўз ва кўчма маънолари – луғавий маъно ва контекстуал маънолар фарқланмайди. Улар бирин-кетин изоҳланади. Масалан:

fail [feɪl] v 1) muvaffaqiyatsizlikka uchramoq; to ~ in the life hayotda omadsiz boʻlmoq; without ~ albatta, muqarrar, shubhasiz, shaksiz; 2) pand bermoq, umidni puchga chiqarmoq; as usual, he ~ed me at the last minute odatdagidek, u soʻnggi daqiqada menga pand berdi; 3) kamlik qilmoq, yetishmay qolmoq; time would ~ me vaqtim boʻlmaydi, men ulgurmay qolaman; I ~ words to express my thanks minnatdorchiligimni bildirish uchun soʻz topolmayapman; our water supply has ~ed zaxira suvimiz tugadi, bizga suv yetishmay qoldi; 4) pasaymoq, zaiflashmoq, kuchdan qolmoq; the wind ~ed shamol tindi; daylight is ~ing qorongʻi tushyapti; 5) ishlashdan toʻxtamoq, safdan chiqmoq; the patient’s heart ~ed bemoming yuragi urishdan toʻxtadi; 6) yiqilmoq (imtihondan), he ~ed in English u ingliz tili imtihonidan yiqildi; 7) sinmoq, bankrot boʻlmoq (firma va b. toʻgʻrisida), toʻlovlarni toʻxtatmoq (bank toʻgʻrisida). (ИЎЎИЛ, 311-б.)

fail вокабуласи – бош сўзига келтирилган луғат мақола таркибида еттита маъно – 1) муваффақиятсизликка учрамоқ; 2) панд бермоқ, умидни пучга чиқармоқ; 3) камлик қилмоқ, етишмай қолмоқ; 4) пасаймоқ, заифлашмоқ, кучдан қолмоқ; 5) ишлашдан тўхтамоқ, сафдан чиқмоқ; 6) йиқилмоқ; 7) синмоқ, банкрот бўлмоқ маънолари ярим қавсли араб рақамлари билан кетма-кет изоҳланган ва ҳар бир маънога иллюстратив асос келтирилган. Аммо

уларнинг қай бири вокабуланинг бош денотатив маъноси (аташ семаси), қай бири коннотатив (кўчма маъноси, ифода семаси) маъноси экани номаълум бўлиб қолган.

Шунингдек, контекстуал маъноларни изоҳлашда қатъий принципга амал қилинмаган. Битта луғат мақолада баъзан ярим қавсли араб рақамлари, баъзан нуктали араб рақамларидан фойдаланилган. Масалан:

age [eidʒ] 1. n 1) yosh; to act (yoki to be) one's ~ o'zini o'z yoshiga munosib bo'lgan tarzda tutmoq, o'zini juda yaxshi tutmoq; bolalik qilishni bas qilmoq, bachkanalik qilishni bas qilmoq; the ~ of consent turmushga chiqish mumkin bo'lgan yosh, balog'at yoshi (qizlarda); the Augustan ~ adabiyot va san'atning ravnaq topish (rivojlanish) davri; at the ~ of ... yoshda; at an early ~ yoshligidan, yoshlikdan; the awkward ~ balog'atga o'tish davri; to bear (yoki to carry) one's ~ well borgan (yetgan) yoshiga nisbatan (qaraganda) yoshroq ko'rinmoq; to be of ~ voyaga (balog'atga) yetmoq; to be under ~ voyaga (balog'atga) yetmaslik; to come of ~ voyaga (balog'atga) yetmoq; the full ~ yoshiga (voyaga) yetish, balog'at (Angliyada 21 yosh); golden ~ (shun. Golden Age) 1. oltin asr (hamma narsa, fan, madaniyat va b.); ravnaq topgan asr, gullab-yashnash, (ravnaq topish, yuksalish, rivojlanish, taraqqiy etish, kamol topish) davri (madaniyat, san'at va b.); 2. hayotning baxtiyor onlari, hayotdagi baxtiyor onlar; a green old ~ baxtli keksalik (davri), tetik keksalik (davri); lawful ~ yoshiga (voyaga) yetish, balog'at (Angliyada 21 yosh); to look one's ~ o'zining oshiga nisbatan katta ham, kichik ham ko'rinmaslik; o'zining yoshidagi ko'rinisha ega bo'lmoq; tender ~ murg'ak yosh; 2) asr, davr; stone ~ tosh davri; for (amer. in) ~s so'zl. juda uzoq vaqt; qachonligini eslay olmayman. (ИЎЎИЛ, 39-б.)

age вокабуласи изоҳи нуктали араб рақами (1.) билан бошланиб кейин ярим қавсли 1) yosh; яна Golden Age 1. oltin asr (hamma narsa, fan, madaniyat va b.); кейин – 2. hayotning baxtiyor onlari; 2) asr, davr; stone ~ tosh davri каби тартибсиз рақамлашлар сабабли англашилмовчиликни юзага келтиради.

Умуман олганда, инглиз тилининг халқаро майдондаги рад этиб бўлмас мақоми, компьютер асрида сунъий интеллектнинг асосий мулоқот воситасига айланиши ва, муҳими, дунё халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг турли соҳаларида бирлашишига хизмат қилаётгани уни тез ва самарали ўргатиш воситаларига бўлган талабни янада оширмоқда. Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча икки тилли луғатлар бугунги кунда икки томонлама манфаатлар – ёш авлоднинг замон билан ҳамқадам, баркамол қилиб тарбиялаш ва ўзбек тилининг халқаро мақомини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Юқорида номлари келтирилган инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча икки тилли луғатлар айнан шу эҳтиёж туфайли юзага келган. Уларнинг таҳлили олдимизга янги авлод икки тилли ўқув луғатлари сўзлигини шакллантириш ва уларда кўп маъноли сўзларни лексикографик талқин қилишнинг инновацион лексикографик концепциялари, лингвистик ва лингводидактик тамойилларини ишлаб чиқиш, луғат мазмуни (контент) ва савиясини ошириш, жаҳон ўқув луғатчилиги тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда луғат корпусини такомиллаштириш, муҳими, тил лексик қатламининг асосини ташкил қилган кўп маъноли сўзларни мазкур луғатларга инглиз тилини хорижликларга ўргатишга мўлжалланган халқаро рўйхатлар – лексик минимумлар (word list) асосида эмас, ўзбек тили миллий хусусиятлари ҳамда ўқув методик таъминотида асосланган ҳолда шакллантириш вазифаларини қўймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бахриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. – Самарқанд. 2020., –252 б
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат

- жихатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/5426736>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5431845>
 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 январдаги “Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/5831978>
 6. Иванов В. В. Языки мира // Лингвистический энциклопедический словарь / Главный редактор В. Н. Ярцева. — М.: Советская энциклопедия, 1990. — 685 с.
 7. Англофоны <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
 8. Языки мира // <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
 9. Muhammadyusuf Nurillo. Inglizcha-ruscha-o‘zbekcha rasmlı lug‘at. — Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2008. — 96 b; Isaqov U. va b. Funny english: darslik. — Toshkent: Yangi asr avlodi, 2014. — 32 b; Samuslimova M. Inglizcha o‘zbekcha rasmlı lug‘at. — Toshkent: Bekinmachoq-plyus, 2014. — 108 b; Abdug‘aniyeva H. Uy jihozlari nomlari. — Toshkent: DAVR PRESS, 2017. — 10 b; Akbarov A. O‘zbekcha-ruscha-inglizcha rasmlı lug‘at. — Toshkent: Nurafshon biznes, 2018. — 96 b; Nurmuhamedova N. English in pictures (inglizcha-ruscha-o‘zbekcha lug‘at). — Toshkent: Ofis Print, 2018. — 32 b; Тангриев Л., Мирфаёзов Ш. Англо-русско-узбекский словарь в картинках. Инглизча-русча-ўзбекча расмли луғат. — Toshkent: Фафур Ғулوم, 2018. — 96 б; Niyazaxonova D. Funniy english. Inglizcha-o‘zbekcha-ruscha quvnoq rasmlı lug‘at. — Toshkent: Kitobdornashr, 2019. — 32 b.;
 10. Nuritdinova Z. Inglizcha-o‘zbekcha-ruscha lug‘at. — Toshkent: Yurist-media markazi, 2018. — 144 б.; Niyazaxonova D. O‘zbekcha-ruscha-inglizcha-koreyscha-turkcha-arbcha rasmlı-mavzuli lug‘at. — Toshkent: Kitobdornashr, 2019. — 128 b
 11. Исақов У. Инглизча-ўзбекча / Ўзбекча-инглизча луғат. — Toshkent: ЯНГИ АСР АВЛОДИ, 2010. — 608 б.; Inglizcha-o‘zbekcha-ruscha o‘quv lug‘at. — Toshkent: Ijod-Press, 2018. — 560 b.
 12. И.В. Грошева, Л.Г.Евстафьева ва бқ. Илк кадам. Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. — Toshkent, 2018. — 72 б.
 13. Abdug‘aniyeva H. Uy jihozlari nomlari. — Toshkent: DAVR PRESS, 2017. — 10 б.
 14. Bo‘tayev Sh. Inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at (80000 so‘z). —Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013. — 880 b.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Mirzayeva Aziza Shavkatovna,
Buxoro Davlat Tibbiyot Instituti o'qituvchisi
azizamirazayeva539@gmail.com

ADABIYOTSHUNOSLIKDA INTERTEKSTUALLIK VA UNING ELEMENTLARIDAN BIRI IQTIBOS TUSHUNCHASI

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada XX asr oxirlarida Jahon adabiyotida post-modernizmning yangi bir yo'nalishi intertekstuallik va uning elementlaridan biri iqtibos haqida fikr yuritilgan. Alohida matnda ko'pgina paradigmatic munosabatlarni, matnning u yoki bu janrlar bilan muloqotini ko'rsatilishining o'rnatilishi, gipermatnlilikda matnlararo o'tishlarni, matnga tovush, video va animatsiyani kiritishni ko'rishingiz mumkin. Bularning barchasi kitobxonda g'ayrioddiy hissiy kechinmalarni keltirib chiqaradi, bu esa fikrlash tarzi va dunyoni idrok etishning o'zgarishiga olib kelashini ko'rib chiqamiz. Maqolada postmodernizm adabiyotiga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar qora hazil, istehzo, matnli parcha va janrlar aralashmasi ham tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Post-modernism, intertekstuallik, iqtibos, arxitekstuallik, gipermatn.

Mirzaeva Aziza Shavkatovna,
Lecturer of Bukhara State Medical Institute
azizamirazayeva539@gmail.com

INTERTEXTUALITY AND ONE OF ITS ELEMENTS IN LITERARY CRITICISM - THE CONCEPT OF QUOTATION

ANNOTATION

This article discusses intertextuality, a new trend in post-modernism in world literature in the late twentieth century, and one of its elements. In a separate text you can see many paradigmatic relationships, the setting of the text to show how it interacts with this or that genre, intertextual transitions in hypertext, the introduction of sound, video and animation into the text. All this leads to unusual emotional experiences in the reader, which leads to a change in the way of thinking and perception of the world. The article also analyzes the main features of postmodern literature, a mixture of black humor, satire, text fragments and genres.

Keywords: Post-modernism, intertextuality, quotation, architectuality, hypertext

Мирзаева Азиза Шавкатовна
Преподаватель
Бухарского государственного медицинского института
azizamirazayeva539@gmail.com

ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТЬ И ОДИН ИЗ ЕЕ ЭЛЕМЕНТОВ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ - ПОНЯТИЕ ЦИТАТЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается интертекстуальность, новое направление постмодернизма в мировой литературе конца XX века и один из его элементов. В отдельном тексте можно увидеть множество парадигматических отношений, постановку текста, чтобы показать, как он взаимодействует с тем или иным жанром, межтекстовые переходы в гипертексте, введение в текст звука, видео и анимации. Все это приводит к необычным эмоциональным переживаниям у читателя, что приводит к изменению образа мышления и восприятия мира. В статье также анализируются основные черты постмодернистской литературы, смесь черного юмора, сатиры, текстовых фрагментов и жанров.

Ключевые слова: постмодернизм, интертекстуальность, цитата, архитектуальность, гипертекст

Kirish. XX asr oxiri va XI asr boshida Jahon adabiyoti o'ziga xos o'zgarishlarga ega bo'ldi, chunki u postmodernizmning eng kuchli ta'sirini boshdan kechirdi. Adabiyotshunoslikda postmodernizm yo'nalishi XX asrning ikkinchi yarmida Lotin va frantsuz tillaridan "postmodern" tillari "zamonaviy", "yangi" degan ma'noni anglatadi. Postmodernizm yo'nalishi inson huquqlari buzilishiga, urush dahshatlari va urushdan keyingi voqealarga bo'lgan reaksiya hisoblanadi. U realizm va modernizm kabi yo'nalishlar g'oyalarini Ma'rifat davrida inkor etilganidan paydo bo'ldi. So'nggi yo'nalish XX asr boshlarida mashhur edi. Masalan, modernizm hatto o'z tendentsiyalariga ega edi. Yigirmanchi asr boshlarida bu oqimlar rus adabiyotida bir muncha vaqt mavjud edi. Agar moderizm muallifning asosiy maqsadi tez o'zgaruvchan dunyoda mazmuni topish bo'lsa, postmodernizm esa sodir bo'layotgan holatlarning ma'nosizligini e'lon qilish bo'lgan. Postmodernizm adabiyotiga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar qora hazil, istehzo, matnli parcha va janrlar aralashmasini ham tahlil qilgan.

G'oyaviy aniqlikka ega bo'lgan realizm va modernizm o'rniga barcha g'oyalar rad etish tushunchasi keldi. Bu mualliflarning real hayot ma'nosini topishni rad etishida ask etildi. Bularning barchasi adabiyotning tarkibiy va semantik deformatsiyasiga olib keldi. Endilikda asarda ma'no, til va kitobxon bilan muallif o'rtasida o'zaro bog'liqlik namoyon qiladigan o'yinni ko'rish mumkin bo'ldi. Ushbu o'yinning texnik vositalaridan biri intertekstuallikdir. Ma'lumki, 1967 yilda frantsuz tadqiqotchisi adabiyotshunos Julia Kristeva tomonidan 1967 yilda tomonidan kiritilgan. "Intertekstuallik bu - matn to'liqligi deb ko'ringan ijtimoiy to'liqlik" [1]. Ulanishlar mavjud bo'lganda, o'zaro umumiy xususiyatlarga ega mantlarning bog'liqligi ko'rsatish maqsadida asarlar bir biriga aniq yoki noaniq murojaat qilishi mumkin. Ushbu usul nafaqat ilmiy, balki adabiy mantlarda amalga oshiriladigan o'yindir. Ko'plab izlanishlar orasida N.Fateevaning "Intertekstuallik va uning badiiy nutqdagi vazifalari" nomli maqolasini ta'kidlash kerak. Ushbu maqolada N.Fateeva quyidagilarni ta'kidlaydi: «Intertekstuallik - bu o'z matnining paydo bo'lish usuli va o'z muallifining "men" ni boshqa mualliflarning matnlari bilan qarama-qarshilik, identifikatsiyalash va niqoblashning murakkab munosabatlar tizimi orqali postulatsiyasi.»[2].

Yuqorida N.Fateeva intertekstuallik kontseptsiyasini aniqlashda matnlar orasidagi tarixiy uzviylik va ifodali funktsiyalar muhim ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi. Bugungi kunda, aktual ilmiy muammo sifatida nafaqat intertekstual savollari, balki adabiyotdagi asosiy intertekstual shakllarning tipologik masalasi ham bo'lishi mumkin. Masalan, I.V. Arnold o'zining maqolasida quyidagilarni keltiradi: "Tashqi intertekstuallikda nutq subyekting almashishi - haqiqiy: Iqtibos haqiqatan ham boshqa muallif qalamiga tegishli. Ichki intertekstuallik esa (xatlar, kundalik, adabiy qahramonlar) - asosan xayoliy" [3]. Intertekstuallikning yanada ko'proq ko'rib chiqilgan qiyosiy ishlanmasi intertekstuallik nazariyasi asoschisi J.Jannetga tegishli. Ushbu tasnifga ko'ra, intertekstuallik quyidagi shakllarga bo'linadi: "Arxitekstual, paratekstual, metatekstual, gipertekstual va asl intertekstual".

Arxitekstuallik umumiy xususiyatga ega, ya'ni bu o'ziga tegishli bo'lgan tur va matn munosabati. Umumiy tushunchada arxitekstuallik bu "mantlarning janr orqali muloqoti"[2]. Olizko arxetekstuallikni "Alohida matnda ko'pgina paradigmatic munosabatlarni, matnning u yoki bu janrlar bilan muloqotini ko'rsatilishining o'rnatilishi" deb tushunadi [5].

J.Jannetga binion, adabiy asarning arxitektoniko-pragmatik bo'linishida mavjud bo'lgan yaqin matnli shakllar paratekstuallik deb ataladi. Ammo, Vikulova paratekstuallikni qo'lda yoki bosma shaklda badiiy asar tuzulishining ajralmas qismi deb ataydi. Ushbu shakl kommunikativ-pragmatik o'rnatilgan yaqin matnli komponentlarining kombinatsiyasidir. Paratekstuallik muqaddima, illyustratsiya va boshqalarni o'z ichiga oladi. Metamatnning ma'nosi shundan iboratki, tinglovchi o'z fikrida matnni stenogramma qiladi, unga o'z izohini qo'shadi va uning ongida ikki ovozli matn paydo bo'ladi. Ammo bu hodisani dialog bilan aralashtirib yubormaslik kerak. Savol kelib chiqadi. U bitta bog'langan matnni ifodalaydimi? Albatta yo'q. Bu matn emas, bu qo'shma matn. Ikkita matn o'z tabiatiga ko'ra bog'langan matn bo'la olmaydi. Yashirin ikki ovoz monologda bo'lishi mumkin, M.Baxtin ta'kidlaganidek: "...Dialogik munosabatlar insonning yaxlit nutqiga, uning alohida qismlariga va undagi birgina so'zga nisbatan ham bo'lishi mumkin, agar biz ulardan qandaydir tarzda ajralib tursak, ichki zahira bilan gapirsak, ularga nisbatan masofani tutsak, o'zimizning nutqimiz, uning alohida qismlari go'yo o'z mualliflik huquqimizni cheklaydi va ikkiga bo'ladi [6]. Metamatn sharhlash munosabatiga ega va muhim vazifani bajaradi. Matn sharhlovchisi nafaqat tinglovchi, balki muallif ham bo'lishi mumkin.

Keyingi shakl gipermatnlilikdir. U, olimlarning fikricha: "bir matnni boshqa matnga havola qilish orqali alohida matnlarni bog'lash natijasi emas, balki uning alohida qismlarining bir-biriga nisbati muhim ahamiyatga ega bo'lgan o'ziga xos xususiyatli mustaqil obyektidir" [7]. Gipermatn barcha tarmoqli matnlar uchun umumiy xususiyatga ega, ya'ni u bitta matn tuzilmasi chegarasidan tashqariga chiqadi, shuning uchun matn aslida ko'lami, janri va hatto muallifligi bilan cheklangan statik tizim bo'lishni to'xtatadi. Interaktivlik, multimediylik kabi matn kategoriyalari gipermatnni tashkil qiladi. Bu toifalar muallif rolining o'zgarishiga olib keladi. Natijada asarning kompozitsiyasi, boshi va oxiri yo'qolib, muallif mustaqilligi shartli bo'lib qoladi. Ammo siz gipermatnlilikda matnlararo o'tishlarni, matnga tovush, video va animatsiyani kiritishni ko'rishingiz mumkin. Bularning barchasi kitobxonda g'ayrioddiy hissiy kechinmalarni keltirib chiqaradi, bu esa fikrlash tarzi va dunyoni idrok etishning o'zgarishiga olib keladi.

"Haqiqiy intertekst elementlariga esa iqtiboslar, ishoralar, eslatmalar kiradi" [1]. Adabiyotdagi eng aniq shakl — bu iqtiboslik. Iqtibos - muallif matnidan to'liq fikrni o'z ichiga olgan qisqa so'zma - so'z parcha. Ilmiy va badiiy adabiyotda iqtibos kitobxonga mavjud tadqiqotlar mualliflarining g'oyalarini ko'rsatish uchun ishlatiladi. Ko'pincha mualliflar o'z asarlarida yozilganlarning ma'nosini ta'kidlash yoki unga ko'proq ravshanlik berish uchun boshqa odamlarning asarlari parchalaridan foydalanadilar. Bunday iboralar bayonotlaringizni asoslashga yoki boshqa birovning fikrini rad etishga yordam beradi. Iqtibos ko'pincha iboralarga aylanadi. Iqtibosni qo'llashda asosiy talab - aytilganlarning ohangini hech qanday o'zagarishlarsiz aniqlik va dolzarbligi. Ko'chirmalarni matnga kiritishda ularni o'rtadan kesib tashlash yoki iqtibosning faqat bir qismini berish tavsiya etilmaydi. Iqtibos bir necha usulda ishlatilishi mumkin:

- Ko'chirma gap - bu erda iqtibos muallif qanday ishlatgan bo'lsa, tinish belgilarini saqlab qolgan holda ham qo'llaniladi. Masalan, mashhur amerikalik yozuvchilardan biri Mark Tven shunday deb yozgan edi: "Haqiqat bizdagi eng qimmatli narsadir. Keling uni saqlab qolaylik".

- O'zalashtirma nutq - Masalan, Mark Tven haqiqat bizda mavjud bo'lgan eng qimmatli narsa ekanligini yozgan. Uni saqlashga chora etgan.

Ilmiy adabiyotlarda iqtiboslar ko'proq qo'llaniladi, chunki fan uchun aniqlik va ma'no buzmasdan yetkarish muhimdir. Iqtibos publistik hikoyalarda ham qo'llaniladi. Bu esa muallifga o'z fikrini kitobxonga yanada aniqroq yetkazish imkonini beradi. Adabiyotda ko'plab iqtiboslar mavjud. Biz ularni bir necha bor eshitganmiz. Iqtiboslar faqat yozma nutqda emas, balki so'zlashuv nutqida ham qo'llaniladi. O'zining ifodaliligi va omma orasida tarqalishiga ko'ra bunday parchalar iboralar deb ataladi. Ushbu iboralarning ba'zilar asrlar davomida asarlar va yozuvlarda qo'llanilmoqda, garchi bu iqtiboslarning mualliflari ishonchli tarzda aniqlanmagan. Misol uchun, "Jahannamga yo'l yaxshi

niyatlar bilan qoplangan" idiomasi Samuel Jonsonga tegishli bo'lishi mumkin. Ko'p hollarda shunday bo'ladiki, asarlarda nafaqat adabiyotda abadiylashtirilgan iboralar, balki mashhur kishilar – siyosatchilar, olimlar, faylasuflarning og'zaki bayonotlari hamda hikmatli so'zlaridan foydalaniladi. Bir so'za bilan aytganda, agar iqtibos ma'noga mos kelsa, matnni idrok etishni kuchaytirishga yordam bersa, u har qanday asarda ishlatilishi mumkin. Ijodiy ishingizda bironing iqtibosidan foydalanish uchun uning muallifidan ruxsat so'rash va unga gonorar to'lash shart emas. Ko'pgina iqtibos mualliflari allaqachon vafot etgan, ammo iqtibos keltirishda muallifning ismini va ko'chirma manbasini, ya'ni ushbu ibora olingan asarni ko'rsatish shart. Har qanday iqtibosning asosiy qoidasi shundaki, u aniq belgilangan muallifga ega. Biroq, u yoki bu iborani ishlatib, biz buni birinchi bo'lib kim aytganini eslamasligimiz yoki umuman bilmasligimiz mumkin. Biroq, u yoki bu iborani ishlatib, biz buni birinchi bo'lib kim aytganini eslamasligimiz yoki umuman bilmasligimiz mumkin. Muallifning borligi iqtiboslarning maqollar va matallar o'rtasidagi asosiy farqidir. Iqtibos manbalari tarix, din, kino, reklama va, albatta, adabiyot bo'lishi mumkin. Osip Mandelshtam shunday deb yozgan edi: "Iqtibos - bu parcha emas. Iqtibos sikada - bitmas-tuganmas xarakter unga xos" [9]. Rudnevning ta'kidlashicha, iqtibos intertekst kalitida oddiy qo'shimcha ma'lumot rolini o'ynashni to'xtatadi, boshqa matnga havola, "iqtibos matn ma'nosining o'z-o'zidan o'sishining kalitiga aylanadi" [10]. Bu bizga bir matnning boshqa matnga qanday kiritilganligini kuzatish imkonini beradigan iqtibos ekanligini aniq ko'rsatadi. Matnlarni yozishda iqtiboslardan foydalanish yoki ularni kundalik nutqda qo'llash bir nechta maqsadlarga erishishga yordam beradi. Birinchidan, bu orqali siz o'z fikrlaringizning ahamiyatini ta'kidlab, buyuk mutafakkirlardan biri bilan o'xshash nuqtai nazarga ega ekanligingizni ko'rsatishingiz mumkin. Ikkinchidan, hikmatli so'zlardan foydalanish sizning bilimingizning intellektual darajasini ko'rsatadi.

Xulosa. Aqlli, chiroyli iboralar hayotni yaxshilaydi, fikrlarni to'plashga yordam beradi. Ushbu so'zlar har bir zamonaviy inson uchun kundalik hayotda foydali bo'ladi. Iqtiboslar dunyoqarashni kengaytirish, so'z boyligini to'ldirish va yaqinlarni hayratda qoldirishga qodir. Ba'zi mashhur iboralar quvonishni, tabassum qilishni va hayratda qolishni o'rgatadi. Yuqoridagilarni ko'rib, shuni xulosa qilish mumkin, intertekstuallik zamonaviy adabiyotda o'z mashhurligini yo'qotmaydi. Aksariyat olimlar iqtibos, ishora va remensensiyani asosiy matnlararo shakllar deb bilishadi. Shu bilan birga, iqtibosning farqlovchi belgilari maqsadga muvofiqlik, aniqlik va aniqlik sifatida tan olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кристева Ю. Бахтин, слова, диалог и роман// Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму/ пер.с франц., сост., вступ.ст. Г.К.Косикова М :ИГ Прогресс , 2000. С. 27.
2. Фатеева Н.А Типология интертекстуальных элементов и связей в художественной речи // Известия академии наук СССР. Серия литературы и языка. М. : Наука, 1998. Т.57. С. 30
3. Баринова Е.Е Метатекс в постмодернистском литературном пространстве: автореф. дис. ... канд. фил. Наук. Тверь, 2008. С.22
4. Фатеева.Н.А. Типология интертекстуальных элементов и межтекстовых связей в художественном тексте// Известия РАН. Серия литературы и языка. 1998, №5. С.36
5. Олизько Н.С. Семиотико-синергетическая интерпретация особенностей реализации категорий интертекстуальности и интердискурсивности в постмодернистском художественном дискурсе//тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 10.02.19. 2009. С.23
6. Бахтин М.М. Собрание сочинений: в 6 т./ М.М.Бахтин.Т.6.М.:Русские словари,2002.С.207
7. Набоков, В.В. Другие берега// Набоков, В.В. Другие берега: романы М.,2003
8. Кристева Ю. Бахтин, слова, диалог и роман// Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму/ пер.с франц., сост., вступ.ст. Г.К.Косикова М :ИГ Прогресс , 2000. С. 27.


9. Руднев В. Словарь культуры 20 века // Электронная библиотека «Грамотей». URL: <http://lib.rus.ec> (дата обращения: 12.02.2012).
10. Прохоров А.М Аллюзия // Большая советская энциклопедия: в 30 т. М. : Сов.энциклопедия, 1960. Т. 1. С.215.
11. Davlatova M.H. Variability of Aspectual Meanings in English.-European Journal of Research and Reflection in Educational Science, Volume.7 No.12.2019.-P.778-780
12. Mukhayyo Hasanovna Davlatova. Lexico Semantic Structure and its Analysis on the Example of Verbs Journal NX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal Volume 6, Issue 6, June. (2020) 189-19221
13. Habibova, M. N. (2021). The theme feminism in the epistolary novels in modern times. ISJ Theoretical & Applied Science, 11 (103), 1101-1105. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-11-103-124> <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2021.11.103.124>
14. Habibova, Manzila Nuriddinovna. A BIOGRAPHY IS A SPECIALIZED FORM OF HISTORY AND BASIC TYPES OF BIOGRAPHIES. 495-503
15. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2_ISSUE_5.pdf



Shapsanova Feruza Muzaffarovna

Teacher at Uzbekistan state world languages university,
“Linguistic and English literature” department

PHILOSOPHICAL ASPECTS PRESENTED IN IRIS MURDOCH’S NOVEL “THE SANDCASTLE”

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ABSTRACT

Iris Murdoch is a prolific writer of 20th century English literature. She is a renowned author of many significant works that contain philosophical thoughts. In this article, we analyze her third novel “The Sandcastle” which was published in 1957. In contemporary English literature, the leading philosophical tendency was clearly Existentialism that founded by Jean Paul Sartre. Though, throughout her career Murdoch had dynamically dimensional philosophical views, and Existentialism was her first interest that led her to create novels with philosophical coating. Iris Murdoch literally accepted a clear way of the philosophy, which Sartre investigated. The purpose of this article is to define philosophical peculiarities of the novel “The Sandcastle”. In this novel, the author shows the inexhaustibility of humankind, the unguessed actions of the characters, the notions such as coincides of art and truth, freedom, and morality.

Keywords: philosophy, existentialism, love, morality, art, truth, family, fidelity, reality, freedom, ego

Шапсанова Феруза Музаффаровна

Преподаватель в Узбекском государственном
университете мировых языков, кафедра
“Лингвистика и английская литература”

ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ, ПРЕДСТАВЛЕННЫЕ В РОМАНЕ АЙРИС МЕРДОК «ЗАМОК НА ПЕСКАХ»

АННОТАЦИЯ

Айрис Мердок является автором многочисленных работ английской литературы 20-го века. Она написала много значительных работ, содержащие философские мысли. В данной статье мы анализируем ее третий роман «Замок на песке», опубликованный в 1957 году. Ведущим философским течением в современной английской литературе без спору был экзистенциализм, основанный Жаном Полем Сартром. Все же, на протяжении всей своей карьеры у Мердока были динамичные философские взгляды, и экзистенциализм был ее первым интересом, который привел ее к созданию романов с философской оболочкой. Айрис Мердок буквально восприняла ясный путь философии, которую исследовал Сартр. Цель данной статьи - определить философские особенности романа «Замок на песке». В этом романе автор показывает неисчерпаемость человечества, непредвиденность поступков героев, такие понятия, как пересечение искусства и правды, свободы и нравственности.

Ключевые слова: философия, экзистенциализм, любовь, нравственность, искусство, истина, семья, верность, реальность, свобода, эгоизм

Shapsanova Feruza Muzaffarovna

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

“Lingvistika va ingliz adabiyoti” kafedrası o'qituvchisi

AYRIS MURDOKNING “QUMQASR” ROMANIDA TAQDIM ETILGAN FALSAFIY ASPEKTLAR

ANNOTATSIYA

Ayris Myordak 20-asr ingliz adabiyotining sermahsul yozuvchisi hisoblanadi. U falsafiy fikrlarni o'z ichiga olgan ko'plab ahamiyatli asarlarning taniqli muallifi. Ushbu maqolada biz uning 1957-yilda nashr etilgan "Qum qal'a" nomli uchinchi romanini tahlil qilamiz. Zamonaviy ingliz adabiyotida asosiy falsafiy tendentsiya Jan Pol Sartr asos solgan ekzistensializm deb bilinadi. O'z faoliyati davomida Myordak turli falsafiy qarashlar egasi bo'lgan va ekzistensializm falsafasi uning e'tiboriga uchragan birinchi tendentsiya bo'lib, muallifning falsafiy qarashlarini o'zida aks etgan romanlarning vujudga kelishiga turtki bo'lgan. Ayris Myordak Sartr o'rgangan falsafaning aniq yo'lini tom ma'noda qabul qildi. Ushbu maqolaning maqsadi "Qum qal'a" romanining falsafiy o'ziga xos xususiyatlarini aniqlashdir. Muallif bu romanda insoniyatning abadiyligini, qahramonlarning tahmin qilib bo'lmaydigan xatti-harakatlarini, san'at va haqiqat, erkinlik va axloq kabi tushunchalarning kesishishini ko'rsatib o'tadi.

Kalit so'zlar: falsafa, ekzistensializm, sevgi, axloq, san'at, haqiqat, oila, vafo, voqe'lik, erkinlik, egoizm

Contemporary English literature is rich in renowned writers, who contributed to developing literature, saving it from dying and losing its color, emotiveness, and expressiveness. One of the flamboyant writers in the English literature of the XX century was Iris Murdoch. Iris Murdoch (1919-1999) is considered to be a founder of the contemporary English novel with philosophical inclination, whose works are deep, mysterious, and magic. She was born in 1919, Dublin, in a family of English and Ireland descent. She studied philosophy at the Universities of Cambridge and Oxford. Additionally, for a long time, she was a lecturer at Oxford University. She expressed her philosophical theories including existentialistic views through her works. Her novels written in 1950s closely linked with Sartre's philosophy. She noted in her study "It is no superficial or perverse dilemma into which this thinker has got himself. Being a French intellectual of his time with unique views on life, Jean Paul Sartre strongly admired individual free choice and believed in social democracy, and human solitude. Following other authorities, their ideas, and way of living means for Sartre to be in a bad faith, so people need to accept their freedom, and loneliness in making life decisions. This is the way of Existentialism founded by Sartre, which declares *existence precedes essence*. This slogan denotes that each individual is responsible for shaping his/her own essence. This belief is a key feature of all Sartre's works of fiction and non-fiction. Nevertheless, Sartre using his philosophical views couldn't build this system of reality. He remained an atheist, and had no faith in God, nor in Nature; he always tried to follow logical thinking. Murdoch's position clearly can be seen in her study "Sartre – Romantic Rationalist (1953). Iris Murdoch stated, "Sartre is profoundly and self-consciously contemporary; he has the style of the age". Sartre's investigation of literature from Murdoch's point of view was the case that true literary work that can show human nature can't be created just by abstract formation. Despite his efforts, Sartre didn't see the main purpose of the literary prose – "the creation of whole, not partitioned image." Murdoch called his rationalism romantic, isolated from the sphere of the real application. Sartre could penetrate into the psychology of lonely individuum, and his analysis conduces self-awareness, but he can't lead the actions of his main heroes, therefore can't show the true way of living. Already in this book Murdoch formulated her viewpoint toward contemporary literature and the main objective of the novelist – creating plethoric human nature. A few years later Murdoch compared a novel with "an upbuilt house, in which the characters live

liberally". This metaphor explains the creativeness of Iris Murdoch, that the heroes of her novel evolve without the interaction of the author. Inasmuch as the characters are not developed under the bondage of the writer's disposition. Thus, Murdoch created novels that are not typical, additionally with dimensional characters, shreds of evidence, compositions, and images.

Starting with the novel "The Sandcastle" Murdoch presents a new theme in her fiction, the theme of art which tractates that fictional truth coincides with reality. It highlights the objectivity of the truth in a fictional world, that don't follow the author's wishes. Genuine art is defined as the ability to depict an object, not as a symbol of one's own moods, but as it is. Nevertheless, in the literary structures of her novels written at the end of the 50^s and at the beginning of the 60^s, Murdoch wasn't able to embody the realization of such art. In contrast to the rationalist views on a person, she emphasizes her mysteriousness through the unexpectedness of her behavior. The portrayal of a diverse human personality solely through unexpectedness for actions prevents the character's credibility. One of the heroines of the novel "The Sandcastle" comes to understand that the uniqueness of each person is determined by his/her "unique life story". But this story itself remains outside the scope of the narrative, and the dissimilarity of the characters doesn't stand by their life circumstances.

The third masterpiece that was written by Iris Murdoch, "The Sandcastle" tells a story of a middle-aged man, who suffers from bonding family responsibilities that lack him to make free choices. Bill Mor is married for twenty years to Nan, and has two children, Felicity and Don, with whom he struggles to find normal prospection. Bill works as a schoolmaster and has quite boring, always the same schedule. He is a man who is lack of own decisions, who is often manipulated by his wife, even though he has thirsty for changes, some kind of new adventures. And the author gives him such an opportunity by creating a compelling, romantic, and yet full of hard decisions plot. One of the similarities of Murdoch's works is having an outsider character, who tries to intimate with enchanted like community but always faces failure in his/her attempt. In "The Sandcastle" it is a mysteriously appealing young artist, Rein Carter, with whom Bill Mor falls in love and with this fragile opportunity tries to change his life by leaving his family, children, and friends. "The Art, says Murdoch in "On God and Good" has got a function to console human being in their fantasies, especially for those who want to escape from bitter reality, at the same time people try to oppose it with the more perfect reality." Bill Mor is a character who desires to vanish in his magical imagination of true love which is only a bunch of illusion. The author tries to show in this novel how one can be healthy in a moral way. Murdoch put a motif of the moral philosophy in her work, and suggested that the task of the moral philosophy is to beat "the fat relentless ego". Freedom from the self, from your ego, and awareness of others is a key point of the novel, is the only way to freedom. What would you choose love or morality, romantic freedom, or the concept of good? Moral philosophy shows a realistic picture of humankind and recommends a more perfect yet realistic one. Iris Murdoch created a moral story with enthusiasm and passion. The outsider in the novel, Rein Carter may be the most romantic egoist in Murdoch's works, the kind of a character that draws others into her abyss. She is attractive, rich, independent, and free. These features of her are the points that appeal to Bill mostly, and the enchanted one is not only him in this small community. The Headmaster Demoyte whose portrait Rain comes to paint, The teacher of art -Bledyard, and others like Mister Evvy are also seem to have some feelings toward Miss Rain Carter, though they never dare to show it explicitly.

"Vision and Choice in Morality" is Murdoch's non-fiction work that was published in 1956. She states that the moral attitudes of individuals may be different and within emphasizes the boundless complexity of the universe, the coincidence of abstract and empirical, the uniqueness of the individual, and being aware of it. On the contrary, we have our moral rules which have been brought to the perfect form, shaped through ages, and accepted by all. She establishes clear parallels between this sort of moral attitude and the artist's goal. The art, Murdoch declares, embraces all concerns of human being, and the novel genre mostly argues about the meaning of life, the existence of the individual." The reader response may be quite different after reading the novel. The author used a very extraordinary style that may easily confuse the criticism of the reader. The choices that Bill Mor has to take are neither good nor bad. Is it better to choose a new chance to live more

5. It is well known that in the educational process, the student's attitude to the goal / result is largely formed under the influence of control and evaluation. Professional development should be measurable. Of course, it is difficult to simultaneously measure the formation of such professional competencies as, for example, "readiness for systematization, generalization and dissemination of methodological experience (domestic and foreign) in the professional field" or "the ability to form an educational environment and use their abilities in implementing the tasks of innovative educational policy" [4,6]. Such competencies are manifested throughout the entire professional activity. However, much can and should be measured to properly understand where the teacher is relative to his colleagues and how the new results relate to previous own. Advanced training courses, as a rule, end with graduation papers, for which certificates of successful completion are issued, passing international exams (in the case of foreign language teachers) with a certificate confirms the level of subject competence, research work in graduate school ends with the defense of a dissertation with a diploma, further research is reflected in the number and quality of publications. The direct results of a teacher's professional development can be observed by colleagues while attending classes or master classes conducted by him, indirectly through the achievements of his trainees.

Twice a year, university teachers report to the department on the results of their work in the semester, filling out individual plans with quantitative indicators of the results of their activities. The university administration can set its own criteria for evaluating the activities of departments, also quantifying the results of events, publications, dissertations, volumes of research works, and other indicators.

For a qualitative assessment of the teacher's activity, scientists have proposed various methods according to the criteria for evaluating the teaching activity, the functional aspect of the activity, personality traits, etc. In secondary schools, various forms of introspection are used, considering different indicators of the teacher's activity.

The most fully reflecting the dynamics of the teacher's development, in our opinion, is the management of a portfolio, as a special systematic collection of documents and other relevant information, acting as a way of reflexive assessment of one's own activities and presentation of its results to confirm the formation of professional competencies.

In conclusion, it should be emphasized that reforming education, including higher education, among other significant components, significantly depends on how motivated teachers are to become subjects of changing their own activities. The formation of internal motivation is possible through the professional development of a university teacher, implemented when creating certain pedagogical conditions, namely: diagnostic tools for problems, support for the university administration, goal setting and flexibility in offering models of professional development and types of feedback, as well as methods for evaluating achievements.

The list of used literature:

1. Вязникова Л. Ф. Взаимодействие преподавателя и студента как фактор духовного развития субъектов образовательного процесса: психологопедагогические парадоксы // Педагогическое образование и наука: научно-методический журнал. – 2010. – № 11. – С. 58-63.

2. Выготский Л. С. Педагогическая психология. – М.: АСТ: Астрель: Хранитель, 2008. – 671 с.
3. Зимняя И. А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 1991. – 222 с.
4. Pedagogika nazariyasi va tarixi. 1qism. Pedagogika nazariyasi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik./ M.X.Toxtaxodjaye vaning umumiy tahriri ostida. "Iqtisod-moliya", 2007.-380 b.
5. O'zbek pedagogikasi antalogiyasi 1-2 t. (tuzuvchilar K.Hoshimov, S.Ochil. O'qituvchi, 1995-2000).
6. Hashimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. – T.: 2005.
7. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. -T.: O'zbekiston, 1993.
8. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. – T,: Istiqlol, 2004.
9. Федеральный государственный образовательный стандарт высшего профессионального образования по направлению подготовки 050100- Педагогическое образование – [Электронный ресурс] – URL - <http://www.fgosvpo.ru/>.
10. Underhill, A. The role of groups in developing teacher self-awareness. – ELT Journal. – 46/1. – 1992. – 176 p.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Даниёрова Барчиной Абсаттаровна
Самарқанд давлат чет тиллар институти
муस्ताқил изланувчиси

XIX-XX АСР ФРАНЦУЗ АДАБИЙ ЭРТАКЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада адабиётшуносликда эртақ жанрида XX асрда ижод қилган француз адиблари ва уларнинг ёзган эртақларига тариф берилган. Масалан Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» эртаги аслида болалар учун мўлжалланганлигига қарамай бу эртақни катталар ҳам яхши кўриб ўқиганлар, Марсель Эме, 17 та роман, бир неча ҳикоялар, эртақлар, сценарийлар, пьесалар муаллифидир. Марсель Эме эртақларида ҳеч ким бир бирига насиҳат қилмайди, ҳеч ким ҳеч нимани талаб ҳам қилмайди. Аммо бу ажойиб эртақларни ўқир эканмиз, болалар ҳаётни нақадар қувноқ, нақадар ёрқин, еганига амин бўламиз. Француз адиблари ёзган эртақлар аслида болалар учун мўлжалланган бўлишига қарамай бу эртақларни катталар ҳам севиб ўқиганлар.

Танч сўзлар: Антуан де Сент-Экзюпери, «Жанубий почтачи», «Кичкина шахзода», «Тунги учиш», «Башар сайёраси», «Ҳарбий учувчи», Марсель Эме, «Мушуквой эртақлари», «Мушуквойнинг пушти эртақлари», «Мушуквойнинг мовий эртақлари», «Оққушлар», Мишель Турнье, Кристиан Пинонинг «Сирли Корнерус», «Қаерданлигини мен билмайдиган эртақлар», «Патча ва Лосось балиғи», Мишель Турньенинг «Арчагул хўрози», «Еттита эртақ», «Медианош эртақлари», «Германия, Анри Эннинг қишқи эртаги» Пьер Грипари «Брок кўчаси эртақлари».

Даниёрова Барчиной Абсаттаровна
Самарқандского государственного
института иностранных языков

ФРАНЦУЗСКАЯ ЛИТЕРАТУРНАЯ СКАЗКИ XIX-XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье описываются французские писатели XX века в жанре сказки в литературе и написанные ими сказки. Например, несмотря на то, что сказка Антуана де Сент-Экзюпери «Маленький принц» изначально предназначена для детей, эта сказка хорошо читается и взрослыми, Марсель Эме является автором 17 романов, нескольких рассказов, сказок, сценарии, стихи. В сказках Марселя Эме никто друг друга не увещевает, никто ничего не требует. Но читая эти замечательные сказки, мы убеждаемся в том, насколько счастлива и ярка жизнь детей. Хотя сказки, написанные французскими писателями, изначально предназначались для детей, эти сказки любили и читали и взрослые.

Ключевые слова: Антуан де Сент-Экзюпери, «Южный почтальон», «Маленький принц», «Ночной полет», «Планета людей», «Военный летчик», Марсель Эме, «Сказки о кошке», «Розовые сказки о кошке», «Голубые сказки о кошке», «Лебеди», Мишель Турн, «Таинственный уголок» Кристиана Пино, «Сказки не знаю где», «Пача и лосось», Мишель Терн «Петух-архагул», «Семь сказок», «Сказки Медианоша», Германия, Анри Аннинг Зимняя сказка» Пьер Грипари «Сказки улицы Брока».

Daniyorova Barchinoy Absattarovna
Samarkand State Institute of Foreign Languages

FRENCH LITERARY TALES OF THE XIX-XX CENTURIES

ABSTRACT

The article describes the French writers of the twentieth century in the genre of fairy tales in literature and the tales they wrote. For example, despite the fact that Antoine de Saint-Exupery's fairy tale "The Little Prince" is originally intended for children, this fairy tale is well-read by adults, Marcel Eme is the author of 17 novels, several stories, fairy tales, screenplays, poems. In Marcel Eme's tales, no one exhorts each other, no one demands anything. But as we read these wonderful tales, we become convinced of how happy and bright children's lives are. Although the tales written by French writers were originally intended for children, these tales were also loved and read by adults.

Key words: Antoine de Saint-Exupery, "Southern Postman", "The Little Prince", "Night Flight", "Human Planet", "Military Pilot", Marcel Emé, "Fairy Tales of a Cat", "Pink Tales of a Cat", "Blue Tales of a Cat", "Swans", Michel Tourne, Christian Pino's "Mysterious Cornerus", "Fairy Tales I Don't Know Where", "The Patcha and the Salmon", Michel Turne's "The Archagul Rooster", "Seven Tales", "Medianosh's Tales", Germany, Henri Anning winter fairy tale »Pierre Gripari« Brock street tales».

Криш: XX асрда юзлаб ажойиб француз эртаклари яратилди. Адабиёт янги мавзулар, формалар билан бойиди, масалан илм, фан ва техниканинг ривожининг жамиятдаги ролини кучайтирди. Эرتак жанрида янада эркинликка эришилди, у шаклан анъанага буйсунмаса ҳам, ўзининг донолигини, поэтикасини, сеҳрини сақлаб қолди. Ҳозирги замон эртак жанри учун юмор, қахрамонларнинг индивидуал, ўзига хос фазилат ва нуқсонлари, демократизм, гуманизм хосдир.

XIX-XX асрларда француз адабларининг сон-саноксиз эртаклари ҳамда жаҳон ёзувчиларининг адабий эртаклари, дунё фольклор намуналари француз тилига таржима этилиб, болалар учун мўлжалланган альбомлар, дисклар, тўпламлар, муьлфильмлар ва кинофильмлар яратилди ва яратилмоқда. Адабиёт янги мавзулар, формалар билан бойиди, илм, фан ва техника ривожининг таъсири сезиларли равишда кучайди. Шу билан бирга ёзувчининг жамиятдаги роли ҳам кучайди. Эртак жанри янада эркинликка эришди, шаклан анъанага буйсунмаса ҳам, ўзининг донолигини, поэтикасини, сеҳрини сақлаб қолди. Ҳозирги замон эртак жанри учун юмор, қахрамонларнинг индивидуал, ўзига хос фазилат ва нуқсонлари, демократизм, гуманизм (инсонпарварлик) хосдир.

Асосий қисми: Антуан де Сент-Экзюпери (1900-1944) дан «Жанубий почтачи» (1928), «Кичкина шахзода» (1942), «Тунги учуш» (1931), «Башар сайёраси» (1938), «Ҳарбий учувчи» (1942) ва тугалланмай қолган «Қалъа» каби асарлар қолган. Таниқли француз ёзувчиси, драматурги, эртакчи ва новеллисти **Марсэль Эме** (1902- 1967) 17 та роман, бир неча ҳикоялар, эртаклар, сценарийлар, пьесалар муаллифидир. Ёзувчининг «Мушуквой эртаклари» китоби 1932 ва 1939 йилларда чоп этилиб, муаллифнинг машхур бўлишига сабаб бўлди. Марсель Эме асарлари кўплаб мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам нашр этилган. Китобхонларга ёзувчининг «Мушуквойнинг пушти эртаклари», «Мушуквойнинг мовий эртаклари», китоблари манзур бўлган. Бу эртакларда одатий воқеалар тасвирланади. Воқеалар бир жойда, бой бир фермада рўй беради. Эртак қахрамонлари, икки қизалок, Делфина ва Маринетта опасингил бўлиб шу фермада яшашади. Эртаклардаги бошқа персонажлар: бу қизчаларнинг ота-

онаси, тоғалари Алфред, ўқитувчи аёл, мактаб инспектори, ҳайвонлар, паррандалар ва қушлардир. Энг муҳими шундаки фермада ва яқин атрофда яшовчи ҳайвонлар, қушлар (Хўкиз, Сигир, От, Қўй, Ит, Чўчка, Мушук, Хўроз, Ўрдак ва бошқалар) гапира олиш қобилиятига эга бўлиб, инсонни тушунишади ва оғир кунда бир бирларига ёрдам беришади. Ҳеч ким бир бирига насиҳат қилмайди, ҳеч ким ҳеч нимани талаб ҳам қилмайди. Аммо бу ажойиб эртақларни ўқир экансиз, болалар ҳаётни нақадар қувноқ, нақадар ёрқин, нақадар ҳаққонийроқ тушунишларига дунёни англаши кундалик ҳаёт ташвишлари билан ҳориган, улардан ҳафсаласи пир бўлган катталарнинг дунёқарашидан мусаффорок, покрок, тўғри эканлигини кўрасиз. Марсель Эме ижодига ўзбек ва рус тадқиқотчилар етарли даражада эътибор беришмаган. Унинг ижоди хақида бизга Б.Яесис XIX-XX аср француз адабиёти хақидаги китобида қисқа маълумот беради. С.М.Ханкова Марсель Эме новеллаларининг комплекс стилистик таҳлил қилишга уринади, аммо у ёзувчининг бадиий услубини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қуймайди. Бу эртақларнинг кўпчилигида жиддий социал ва маънавий муаммолар кўтарилгани сабабли, улар катталарнинг ҳам диққат-эътиборини тортади. Ферманинг аниқ жойи кўрсатилмаган бўлса-да, эртақлардаги баъзи тафсилотлар ва деталлар, масалан, французча исмлар, Гюго, Наполеон номларининг келтирилиши, мактаб, фермер хўжалигининг тузилиши-бу эртақдаги афсонавий мамлакат эмас, балким XX аср биринчи ярмидаги реал француз провинциясидир. Бу эртақларда сеҳрли ҳодисалар рўй бериши мумкин бўлган одатий реал воқеалар сифатида қабул қилинадилар. Сеҳрли ҳодисалар реаллар билан ёнма-ён келади: ферма, мактаб, урушга кетаётган аскар, лўлилар ва ҳоказо. Фермадаги жониворлар ўзида инсоний ва ҳайвоний хусусиятларни мужассам этган ўзига хос жамиятдир. Эртақдаги барча жониворлар аллегорик рамзга эга бўлган халқ эртақларидан фарқли ўлароқ, Марсель Эме эртақларидаги жониворлар индивидуал характерлардир. В.Е. Гусев фикрича эртақнинг асосий жанровий белгиси, уларда конкрет тарихий воқеликда, оилада ва жамиятда ҳал қилиш имкони бўлмаган коллюзия ва конфликтларнинг кўчирилиши сабабли фантастик тўқимага эга бўлган. Эме эртақларида конфликтлар қизалоқларнинг дунёни, унинг қонуниятларини англаш билан боғлиқдир. Одатдагидай, ёвуз куч функциясини ота-она, уларнинг тақиқлари, жазолари бажаради. Жониворлар бу коллюзияларнинг ечимини топишда ёрдамчи ва бу конфликтларни келтириб чиқарувчи сифатида намоён бўлади. («Ёвуз ғоз», «Товус», «Сигирлар» ва бошқа эртақлар). Эме классик эртақларнинг янги талқинини яратмайди, унинг эртақлари ўзига хос, оригиналдир. Аммо баъзи эртақларида у халқ эртақлари сюжетидан фойдаланади. Масалан «Бўри» эртаги. Ота-она қизларини ёлғиз қолдириб, эшикни ҳеч кимга очмасликни тайинлайдилар. Шунда у исиниш учун киритишларини қизчалардан илтимос қилади. Аммо бу бўри оддий бўри эмас, балким Қизил Қалпоқчани тириклайин ютиб, ўтинчилар томонидан қорни ёрилган бўри экан. Шу тарзда фольклор ва адабий эртақ орасидаги чегара йўқ бўлади. Ундан ташқари Эме эртақларида халқ эртақларига хос бўлган бирон жойга бориш зарурати билан вужудга келган мотив-тақиқни кўриш мумкин. Шаҳарга кетаётиб, ота-она ҳеч кимни уйга киритмасликни буюришади («Бўри») ёки йўлнинг нариги тарафига ўтмасликларини («Оққушлар»). Марсель Эме эртақларида халқ эртақларига хос бўлган тарбиявий аспект катта роль ўйнайди. Жонивор персонажлари орқали ёш китобхонлар нафақат табиат дунёси билан танишадилар, балким жамиятда асрлар давомида шаклланган одоб қоидалари ва маънавий қадриятларни ҳам билиб оладилар. Бу эртақларда ёвузлик жазоланади, эзгулик ғалаба қозонади. Эзгулик тарафдорлари ҳалок бўлган чокларида ҳам маънавий қаҳрамонлик кўрсатишади. Масалан, оққуш қизалоқларни ота-она жазосидан қутқараман деб, ҳалок бўлади. Эме эртақларида насиҳат қилинмайди, қиссадан ҳиссани китобхоннинг ўзи чиқаради, ёзувчи эртақларида сатира элементлари ҳам учрайди. Масалан, «Қўй» эртагидаги аскар аҳмоқ, золим ва ароқхўр сифатида берилиб, бунда оддий ҳаётдаги реал, социал типлар тасвирлангандир. Баъзи бир ҳайвонларнинг ҳаёт тарзида, уларнинг хулқи ва мушоҳадаларида жамиятдаги турли социал табақалардаги одамларнинг хулқига ва сўзлашувига пародия яққол кўзга ташланади. Булар жамиятда катта роль ўйнайдиган турли амалдорлар, полиция... Масалан «Ёвуз ғоз» эртагидаги ғоз. «Хўкизлар» эртагида эса дарсликдаги масалаларни ёддан айтиб бераётган ўқимишли хўкиз сатира остига олинган. Бу

эртакда муҳим социал муаммолар яъни шахснинг ўз статусидан қоникмаслиги, таълим олишнинг фойдали ва зарарли томонлари акс эттирилган. Бу эртак нафақат болалар учун, балким катталар учун ҳам ёзилгандир. **Ёзувчи Кристиан Пинонинг** (1904-1976) эртаклари Марсель Эме эртакларидан ўзининг услуби билан фарқ қилади. Кристиан Пинонинг «Сирли Корнерус», «Қаерданлигини мен билмайдиган эртаклар» (1952), «Патча ва Лосось балиғи» (1954) эртаклари болалар учун мўлжалланган бўлса ҳам, ўзининг кучли, бой фантазияси билан ёши катталарнинг ҳам диққатини тортади ва улар ҳам бу эртакларни севиб ўқишади. Муаллиф уларда анъанавий эртак мотивларини қўллайди. Масалан, Шаҳзода маликани излаб, кўплаб тўсиқларни енгиб ўтади; сеҳргар Пари одамларга ёрдам беради; ғалаба қозонган паҳлавоннинг ҳар қандай уч тилаги амалга ошади ва ҳоказо. Муаллиф эртак сюжетини қизиқарли тарзда ўзгартиради. Пино ҳайвонлар, қушлар ҳақида ёзишни ёқтиради. Аммо кўпинча унинг эртакларига ҳозирги замон реал ҳаёти кириб келади: автомобиллар ва самолётлар, вокзаллар ва кўчалар, мода журналлари ва магазин пештахталари китобхон кўз олдида намоён бўлади. Қаҳрамонлар ўзларини катта шаҳарда ёлғиз сезадилар; ёзувчини табиатни муҳофаза қилиш фикри, экология масаласи безовта қилиб, ташвишлантиради. Пинонинг гоҳо қувноқ, гоҳо ғамгин оҳангда панд- насихатлар қилишига қарамасдан, эртак сюжетлари инсонни ўйга солади. Яна бир француз ёзувчиси **Бернар Клавельнинг** (1923-2010) «L'Arbre qui chante» (Қуйлаётган даракт) эртаклар тўплами китобхонлар томонидан севиб қарши олинди.

Мишель Турньенинг (1924 -2016) «Арчагул хўрози (1978), «Еттита эртак» (1984), «Медианош эртаклари» (1989), «Германия, Анри Эннинг қишқи эртаги» (2003) номли эртаклари турли йилларда нашр қилинган. Машхур француз болалар ёзувчиси **Пьер Грипари** (1925-1990) «Брок кўчаси эртаклари»да (1967) воқеалар Париж кўчаларининг бирида содир бўлиб ўтади. Ёзувчининг қуйидаги эртаклар муаллифидир: «Муфтар кўчасидаги сеҳргар аёл» «Қизил носки кийган улкан одам», «Бир жуфт туфли тарихи», «Скубиду ёки ҳамма нарсдан хабардор Қўғирчок», «Бир дона картошканинг севгиси тарихи», «Люстюкрю, Водопровод крани париси» «Ёқимтой жажжи шайтонча», «Супургихонадаги сеҳргар», Пьер амакининг уйи», «Шаҳзода Блюб ва сув париси», «Ёлғончи чўчкача», «Кимлигини билмайман, нималигини билмайман», «Марианнанинг уч тилаги» ва ҳоказолардир.

Хуласа қилиб атганимизда болалар учун ёзиладиган ҳар қандай бадиий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос, уларда эзгулик ва яхшилик, ватанпарварлик каби юксак гоёларга, улкан ва порлок, ишларга илхомлантирадиган булиши зарур. Асосийси мавзулар тушунарли, содда, қизиқарли тилда ифодаланиши керак. Болалар адабиёти ҳар бир мамлакатнинг ёшларини ўз ватанига мухаббат руҳида тарбиялашда қудратли куралидир. Болалар китоби бу вазифани бажаришда бадиий тилга суянади. Адабий асар тили унинг гоёвий мазмунини аниқ, ва ифодали очиб бериш воситасидир. Болалар ёзувчиси содда, равон, қизиқарли ва мазмундор қилиб ёза билиши керак. Равон тил билан ёзилган бадиий асарлар китобхоннинг нуткига ҳам катта таъсир курсатади, сўз бойлигини оширади

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Грачёв Р. Антуан де Сент-Экзюпери // Писатели Франции / Под ред. Е. Г. Эткинда. - М.: Просвещение, 1964. — С. 661—667.
2. Пьер Грипари, Сказки улицы Брока (перевод Михаила Яснова). Москва, ДРОФА, 2002
3. Марсель Эме «Мушукнинг каромати» эртаги. Француз адибларининг эртаклари. Француз тилидан Муҳаммаджон Холбеков таржимаси., Т. «Адабиёт учқунлари», 2018, йил, 115 б.; Марсель Эме «Сигирлар» эртаги. Француз адибларининг эртаклари . Француз тилидан Муҳаммаджон Холбеков таржимаси. Т. «Адабиёт учқунлари», 2018, йил, 137 б.; Марсель Эме ва Пьер Гамарра Мушуквойнинг мовий эртаклари . «Окқушлар», «Сигирлар», «Эшак ва От», Мушукнинг ёмғир ёғдиргани ҳақида эртак» Француз тилидан Даниёрова Барчиной таржимаси. С. «Зарафшон»-2019 йил.
4. Сеҳрли сўзлар» (Les Mots enchantés). Мушуквойнинг мовий эртаклари тўпламида. Таржимон Даниёрова Барчиной. Самарқанд, Зарафшон нашриёти, 2019 йил

5. eff Bridgford. Pineau, Christian // Biographical Dictionary of European Labor Leaders / A. T. Lane. — Greenwood Publishing Group, 1995. — Vol. 2. — P. 756-757. — ISBN 9780313299001
6. Collectif, «Philippe Barbeau-J'ai rencontré un type», Griffon, n° 194, novembre-décembre 2004 (ISSN 0299-7827)
7. Contes des bêtes amies — III. Henri Dimpre, Bias, collection : Anémones.1973 : Contes du petit cheval et du vieux chameau — III. Philippe Lorin, Magnard, collection Fantasia n° 151.
8. Jean-Pierre Chabrol, sur Wikimedia Commons
9. Pierre Gripari, Contes de la Rue Broca, La Table Ronde, 1979 (1re édition 1967) (Французское издание)
10. Lenta.ru: О высоком: Умер французский писатель Бернар Клавель Библиография Бернара Клавеля
11. 11.Бернар Клавель (англ.) на сайте Internet Movie Database
12. Pierre Gamarra, sur Wikimedia Commons Citations de Pierre Gamarra, sur Wikiquote
13. Société des amis de Marcel Aymé [Электрон. ресурс]. URL: http://marcelayme1.free.fr/marcel_ayme/oeuvre/theatre.html
14. Эмманюэль де Сен-Шама, Бенуа де Сен-Шама. СТРОМ. Коллекционер (роман, перевод А. Петровой) М.: Клевер-Медиа-Групп, 2013 г. (август)




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Н. Б. Кулдашова,

БухДУ

Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси (PhD)

ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ТАЛҚИНИ <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada tilshunoslikda termin va terminologiya, terminshunoslik sohasida olib borilayotgan qator tadqiqotlar bo'lsada, termin haqidagi ta'rif, ayniqsa, terminologiyaning tarixiy ildizlari, shakllanishi, madaniy-tarixiy rivojlanishi va taraqqiyot bosqichlari, termin tushunchasi hamda unga doir muammolar, ushbu sohaning tilshunoslikdagi o'rni tahlil qilinadi. Shuningdek, hozirgi kunda terminologiya sohasining taraqqiy etib borishi, yangi so'z yasash, so'zlarga yangi ma'nolar yuklash, so'z birikmasining semantik bir butun holga kelib qolishi, shuningdek, boshqa turli tillardan so'z olish va so'z yasash kabi tilshunoslikning leksik qatlamini hosil qiluvchi termin va terminologiyaning lingvistik jihatlari tadqiq etilgan. Bundan tashqari, ushbu mavzu bo'yicha ba'zi olimlarning nazariy qarashlari ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: termin, terminologiya, konseptual, tarjima, nashr, lug'at, tarmoq, neologizm.

Кулдашова Н.Б.,

БухГУ

Преподаватель кафедры немецкого и французского языков (PhD)

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕРМИНОЛОГИИ В ЛИНГВИСТИКЕ**АННОТАЦИЯ**

В данной статье, несмотря на ряд исследований, проведенных в области терминологии и терминологии в языкознании, определение термина, особенности исторических корней, становление, культурно-историческое развитие и этапы развития терминологии, анализируются понятие термина и связанные с ним проблемы, роль этого направления в языкознании. Также исследуются развитие области терминологии на сегодняшний день, лингвистические аспекты терминов и терминологии, образующих лексический пласт языкознания, таких как выработка новых слов, создание новых значений слова, образование слова и их объединение в семантическом смысле, а также принятие слов из других языков. Кроме того, дан анализ теоретических взглядов некоторых ученых касательно данной темы.

Ключевые слова: термин, терминология, концепция, перевод, издание, словарь, отрасль, неологизм.

N.B. Kuldashova,

BukhSU

Teacher of the Department of German and French Languages (PhD)

INTERPRETATION OF TERMINOLOGY IN LINGUISTICS

ANNOTATION

In this article, although there are a number of researches conducted in the field of terminology and terminology in linguistics, the definition of the term, especially the historical roots, formation, cultural-historical development and stages of development of the terminology, the concept of the term and its related problems, the role of this field in linguistics are analyzed. Also, the development of the field of terminology today, the research of the linguistic aspects of terms and terminology that form the lexical layer of linguistics, such as the development of new words, the imposition of new meanings on words, the formation of a word combination into a semantic whole, as well as the acquisition and creation of words from other languages done. In addition, the theoretical views of some scientists on this topic are shown.

Key words: term, terminology, conceptual, translation, publication, dictionary, branch, neologism.

Маълумки, инсон маънавиятининг энг буюк маҳсули ҳисобланган тил нафақат маълум бир фикрни ифода этувчи восита ҳисобланади, балки жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар тилда ўз аксини топади.

Тилшунослик тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи, муайян тилларнинг амал қилиш қонунлари, тарихий тараққиёти ҳақидаги фанлиги маълум бўлиб, мақсади, вазифаси ва шу кабиларга кўра, унинг умумий тилшунослик, структуравий тилшунослик, қиёсий-тарихий тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, нейролингвистика, паралингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, менталингвистика, когнитив лингвистика, интерлингвистика (бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш) каби бир нечта соҳалар шахснинг жамиятдаги фаолияти билан алоқадор тил хусусиятларини ўрганади.

Дунёда илм-фан, илм-маърифат, техника ва технология тараққий этиб борар экан, янги ғоялар, янги қарашлар, янги терминлар пайдо бўлиб бораверади. Тилшуносликда янги терминларнинг кириб келиши эса янги имкониятларни очади, лексикология ва терминологияни бойиши ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, ўзига хос қийинчиликларни ҳам пайдо қилишини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда тилшуносликдаги терминология соҳасининг тараққий этиб боришини, янги сўз яшаш, сўзларга янги маънолар юклаш, баъзи бир категорияларнинг лексикалашуви, сўз бирикмасининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши, шунингдек, бошқа турли тиллардан сўз олиш ва сўз яшаш сабабли рўй бермоқда ҳамда тилшуносликнинг лексик қатламини ҳосил қилувчи термин ва терминологиянинг лингвистик аспектларидан терминшунослик кўплаб тадқиқотчиларни диққат марказида турибди.

Терминология соҳасидаги жумбоқларни ечимини топиш долзарблиги кенг бўлиб, ҳаёт билан ҳамоҳанг юради. Қолаверса, “тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, мазкур масала ўзининг етарлича тасдиғини топган, деёлмаймиз. Жуда кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳалигача мавжуд. Айниқса, терминнинг семантикасига оид масалалар жиддий тадқиқ этилиши лозим”[3, 14].

Тилшуносликда термин ва терминология, терминшунослик соҳасида олиб борилаётган қатор тадқиқотлар бўлсада, термин ҳақидаги таъриф, айниқса, терминологиянинг тарихий илдизлари, шаклланиши, маданий-тарихий ривожланиши ва тараққиёт босқичлари, термин тушунчаси ҳамда унга доир муаммолар, терминларнинг миллий ўзига хослиги, шунингдек, уларнинг композицион жиҳатлари каби масалалар юзасидаги тадқиқотларнинг кун тартибига

қўйилиши амалга оширилган тадқиқотларни ҳар жихатдан пухта ва холис баҳолашга имкон беради.

Термин (лот. terminus – чек, чегара) – илм-фан, техниканинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасидир [12, 73]. Термин – илм-фанда, техникада, санъатда қўлланиладиган бирор бир тушунчани аниқ англатадиган сўз ёки сўз бирикмасидир, умумдабий сўзлардан фарқли ўлароқ терминларга экспрессивлик ва кўпмаънолилик хос эмас [7, 486].

Маълумотларга таяниб “терминология” сўзи лотинча terminus ва грекча logos сўзларидан ташкил топган бўлиб, “терминлар ҳақидаги фан” маъносини англатади, деб айтиш ўринлидир.

А.Д. Хаютин инглиз тилининг этимологик луғатига асосланиб мазкур сўз илк бор немис олими С.Шютз (С.G. Shutz) томонидан 1786 йилда қўлланилганини таъкидлайди. Унинг аниқлашича, мазкур сўз инглиз, француз тилларида XVIII аср охирларидан, рус тилида эса XIX аср бошларидан истеъмолга кирган [4,10].

Термин аниқ, бир маъноли, экспрессив хусусиятларидан холи бўлиб, ўз навбатида, ўз терминологик соҳа майдонида аниқ, аммо ушбу майдонидан чиқиши билан, ўз асосий хусусиятларини йўқотадиган сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминнинг ясалиши ўзлашган сўзларнинг сўз ясалиш усулларини қамраган ҳолда, миллий тил қуролларининг қўлланилиши билан юз беради. Термин умумхалқ лексикасига ўтиши ёки аксинча умумхалқ лексикасидан терминга, шунингдек, бошқа термин тизимига (теминосистемага) ҳам ўтиши мумкин [8, 8].

Маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

О.С.Ахманова “... лингвистик терминология бошқа ҳар қандай терминология каби терминларнинг оддий мажмуи эмас, балки ўзига хос семиологик тизим” эканлигини таъкидлайди [1, 509].

Машҳур рус олими А.А.Реформатскийнинг фикрича, терминологик тадқиқотларда терминларнинг асосий лисоний белгилари хусусида икки хил қараш мавжуд: биринчи навбатда, терминларнинг номинативлиги, иккинчидан, унинг тушунча билан боғлиқ бўлади [5, 47]. Олим термин ва унинг моҳияти нима, масаласи ечимига изоҳ берганда номинация ва унга яқин тушунчалар позицияси томонидан қарайди [6, 106].

Ф.А.Циткина “термин – бу махсус ёки касб ҳунарга оид билим соҳасига тегишли илмий тушунчани репрезентация қилиб берувчи тил белгиси ҳисобланади”, деб таъриф беради [11, 10].

Термин сўзи ўрнида гоҳида атама сўзини ишлатиш ҳоллари кузатилади. Аммо бу тўғри эмасдек туюлади. Чунки атама термин сўзига нисбатан тор тушунчани ифодалаши бизга маълумдир.

С.Д. Шелов терминларни фан соҳаларига кўра бўлиб, турли билим соҳаларига оид терминлар – кенг қўламда мазмун касб этадиган терминология эканлигини асолайди. Терминнинг фақатгина муайян бир билимлар соҳа терминологияси баъзи умумий муҳитнинг ажралмас қисми эканлигини ва у ерга бошқа билимлар соҳалари, мураккаб жамлик каби, ўзининг терминологияси билан кириши мумкинлигини ҳамда узлуксиз алоқада бўлиши натижасида уларнинг компонентларининг кесишишига ёки тўқнашувига сабаб бўлади деган ўзининг бир неча фикрини айтади [9, 795-799].

Академик В.В.Виноградовнинг таъкидлашича, терминология соҳасида тилнинг тараққиётида, унинг лексик тизимида халқнинг моддий ва руҳий маданияти билан боғлиқлик яққол кўзга ташланади [2, 6].

Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, таърифга эга бўлган ва, айниқса, номинатив вазифасини бажарадиган бирликлар термин ҳисобланади, деб қаралади.

Маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

Ф. де Соссюр сўз ва терминни қиёслашда терминнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

1. Маънонинг алоҳида предмет ёки ҳодисага эмас, предметлар ёки ҳодисалар синфи ёхуд турига алоқадорлиги;
2. Маиший тушунчалар ёки умумий тасаввурларга эмас балки, илмий ёки техник тушунчаларга алоқадорлиги;
3. Терминнинг қатъий белгиланган терминлар тизими доирасида амалда бўлиши яъни терминнинг доим терминлар тизимининг бир бўлаги бўлиши;
4. Борлиқдан ўта мавҳумлашиши, ҳаттоки ундан буткул узилишгача бориши;
5. Терминнинг муайян билимларни ва таълимни талаб қилувчи маълум касбий фаолият билан боғлиқлиги.

Санаб ўтилган фарқлар тилшунослар томонидан аниқланган [10, 285].

Компютер лингвистикасини тадқиқ этган олим Маршюк “терминология” сўзи кўп маъноли бўлиб, у терминларни ўрганадиган фан бўлиши билан бирга, маълум бир соҳа терминларининг мажмуи тўғрисидаги ҳам фандир. Аммо термин ва терминларни ўрганадиган фан деган таърифга кўпроқ “терминшунослик” сўзи ҳам мос келишини, “терминография” эса лексикографиянинг бир қисми бўлиб, терминшунослик билан узвий боғланган ҳолда терминологик луғатлар тузиш тўғрисидаги фан деб тарифлайди.

Дарҳақиқат, терминология – терминлар ҳақидаги таълимот ва терминлар мажмуи, лингвистиканинг кенг қамровли муҳим соҳасидир.

Илм, фан ва техника тараққиёти жадаллик билан ривожланиб борар экан, нафақат тилшуносликнинг лексик қатламини бойитади, балки нутқда қўлланилаётган қатор лисоний бирликларни ўзида жамлаб кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 509.
2. Виноградов В.В. Вступительное слово. Вопросы терминологии. – М.: Наука, 1961. –С. 6.
3. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Дисс.филол.фан.ном. Т., 2011. –Б.14.
4. Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 10 б.
5. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология? Вопросы терминологии. – М., 1961. - С. 47. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: ЎЗМЭ, 2008. – Б. 73.
6. Reformatskiy A.A. Termin, kak chlen leksicheskoy sistemq yazyka. Problemy strukturnoy lingvistiki. М., 1968. – S. 103–106.
7. Розенталь Д.Э. и Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., 1976. – 486 с.
8. Felber H. Terminological work and standardization of terminology. – Paris, 1974. P.1. 8.
9. Shelov Sh.D. Eo‘yo raz ob orpedeleniya ponyatiya “termin”. Vestnik Nijnegorodskogo universiteta. 2010. №4 (2). S. 795-799
10. Соссюр Ф.Де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 285 с.
11. Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988. – 10 с.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: ЎЗМЭ, 2008. –Б. 73.
13. Juraeva Malokhat Mukhammadovna Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019.–P.392-395. <https://www.ijeat.org/wpcontent/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>;
14. Juraeva Malokhat Mukhammadovna Category of modality: research and interpretation. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science,

- p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020. – P. 149-154.
<http://www.t-science.org/arkivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>;
15. Hojiyeva G.S. Linguvoculary Properties Of Art Terms (On The Example Of French And Uzbek Languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). ISSN: 2509-0119. Vol. 25 No. 1. February 2021, pp. 09-15.
<http://ijpsat.es/index.php/ijpsat/article/view/2746>
 16. Gulchehra Hojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660.
https://cibgp.com/pdf_9597_1a767661e994277ad507b83995037dbd.html
 17. Hojiyeva G.S., ”SAN’AT” TERMINING FRANSUZ VA O’ZBEK TILI LUG’ATLARI ASOSIDA LINGVO-MADANIY TAHLILI. QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK, CHOG’ISHTIRMA TILSHUNOSLIK VA TARJIMASHUNOSLIK: MUAMMO, YECHIM VA ISTIQBOLLAR. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Buxoro, 2021. –B.62-68.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:Tyk-4Ss8FVUC
 18. Hojiyeva G.S., SAN’AT TERMINLARI TARJIMASINING LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI (fransuz va o’zbek tillari misolida). “O’ZBEKISTONNING MUSTAQILLIK DAVRIDAGI YANGI TARIXI VA FALSAFIY TAFAKKURINING DOLZARB MUAMMOLARI” respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari SAMARQAND, 2020 yil. – B.433-436.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:zYLM7Y9cAGgC
 19. Hojiyeva G.S., SAN’AT VA MUSIQA TERMINLARI TARJIMASIDA MILLIY O’ZIGA XOSLIK VA LINGVISTIK TAHLIL (o’zbek va fransuz tili materiallari misolida). O’ZBEK TILIDA XOREOGRAFIK TERMINLARNING SHAKLLANISHI: BUGUNGI HOLATI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari Toshkent, 2021. –B.69-74.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:IjCSPb-OGe4C
 20. Hojiyeva G.S., SAN’AT, XUSUSAN, MUSIQAGA OID TERMINLARNING LEKSIK-SEMANTIK HAMDA MILLIY-MADANIY TAHLILI (fransuz va o’zbek tillari misolida). O’ZBEK TILIDA XOREOGRAFIK TERMINLARNING SHAKLLANISHI: BUGUNGI HOLATI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari Toshkent, 2021. –B.60-69.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:2osOgNQ5qMEC
 21. Jo’rayeva M.M., Hojiyeva G.S., O’zbekcha-fransuzcha fransuzcha-o’zbekcha lug’at (dictionnaire ouzbek-français français-ouzbek). Musiqa va san’at sohasiga oid ikki tilli lug’at. Buxoro, 2019.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:u-x6o8ySG0sC
 22. Khaitova G.B., Lexical-Semantic Analysis of the Terminological System of Agriculture and Water Management. Pindus Journal Of Culture, Literature, and ELT ISSN: 2792 – 1883 Vol 2 No. 2. <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/241>
 23. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;
 24. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.

25. Kuldasheva N.B. Lexic-semantic Features of Sport Terms. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3 2019. – P. 376-378.
26. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;
27. Hojiyeva G.S., O'ZBEK TILIDAGI SAN'AT TERMINLARI TARJIMASIDA MILLIY O'ZIGA XOSLIK VA LINGVISTIK TAHLIL. "O'ZBEKISTONNING MUSTAQILLIK DAVRIDAGI YANGI TARIXI VA FALSAFIY TAFAKKURINING DOLZARB MUAMMOLARI" respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari SAMARQAND, 2020 yil. – B.430-433.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:qjMakFHDy7sC
28. Jurayeva Maksuda Mukhammadovna "MEDIA RELATIONS IN FRENCH DISCOURSE" MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 VOLUME 12 MAY 2021.
29. Murtozaev SH.B. Oh the Manuscript of "Avariful-maarif" (Those People Recognizing Enlightenment) of Shakhbuddin Umar Sukhravardi. International Journal on Integrated Education. – T. 2. – №. 5. – P. 166-169.
<https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/198>
30. Hojiyeva Gulchehra Salimovna. (2022). In the Translation of Language Units of Art Lexico-Semantic Properties (on the Example of French and Uzbek). Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.612>
<https://ijins.umsida.ac.id/index.php/ijins/article/view/612>

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000